

МАННОНОВ Абдурахим,
*филология фанлари доктори, профессор,
шарқшунос ва афғонишунос олим,*

МАННОНОВА Насимахон,
*шарқшунос ва афғонишунос,
катта ўқитувчи.*

ПРОФЕССОР ШАРЬИЙ ЖЎЗЖОНИЙ

Таниқли сиёсат ва давлат арбоби, йирик исломшунос, тасаввуфшунос олим ва, ҳассос шоир Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний билан мен 1972 йили Афғонистонда хизмат сафарида бўлган кезларимда илк бор танишган эдим.

Ўша вақтларда у киши Кобул университети қошидаги “Шаръиёт” факультетини тамомлаб, Афғонистоннинг Маданият ва ахборот вазирлиги тасарруфидаги нашриётлар, тахририятларда фаолият юритган ва мен у киши билан танишган кезларда, Абдулҳаким ака ушбу вазирлик қошидаги фольклоршунослик бўлимида мудир лавозимида хизмат қилар эдилар.

Айнан ўша йиллардан эътиборан бизнинг яқин дўстлик ва биродарлик алоқаларимиз бошланди ва мана 50 йилдан зиёд вақт ўтибдики, ўзаро дўстона, оилавий муносабатларимиз, илмий-педагогик ҳамкорлигимиз бардавомдир.

У киши билан илк танишган вақтларим, Абдулҳаким ака Ўзбекистон адабиёти, маданияти, илм-фани ва халқимизнинг тинч ва фаровон ҳаётини Афғонистондаги энг фаол ва изчил тарғиботчиси ўлароқ, бу мамлакат ёшлари, хусусан, ўзбекзабон аҳолисига юртимиз ҳақида ҳам оғзаки, ҳам ёзма шаклда, самимий, яхши ниятда маълумотлар бериб борар эдилар. У киши буюк ёзувчимиз Ойбекнинг “Навоий” романини илк бор ўзбек тилидан дарий тилига таржимасини амалга оширишга жазм қилган йирик таржимон сифатида ҳам танилдилар.

Ушбу роман таржимаси жараёнида мендан асарда учрайдиган баъзи бир ойбеккона иборалар, ташбеҳлар, асарда қаламга олинган ижтимоий, маиший мулоҳазаларнинг замиридаги “яширин” матн остидаги маънолари ҳақида тушунтириш беришимни сўрар эдилар. Мен қўлдан келганча у кишининг саволларига жавоб беришга ҳаракат қилар эдим. Баъзан “Навоий” романининг ёзилиш муҳитига оид маълумотларни, ўзбекистонлик ойбекшунос

олимларимизнинг фикрларини, илмий ишларини етказишга ҳаракат қилардим.

Роман таржимаси кетма-кет “Жвандун” (“Ҳаёт”) журналида босила бошлади ва тез орада Афғонистон зиёлиларининг, хусусан ўзбекзабон ўқувчиларнинг эътиборига тушди ва илмий-адабий доираларда илик муҳомакаларга ҳам сабабчи бўлди.

Шаръий домла “Навоий” романи таржимасидан сўнг Шароф Рашидовнинг “Икки дил достони” ҳам маҳорат билан дарий тилига ўгирдилар. Домланинг ўзбек тилидан қилган таржималари орасида Шоислом Шомухаммедов ва Босит Мусаев қаламига мансуб “Амир Хусрав Деҳлавий” номли монографиянинг тўлиқ таржимаси ҳам ўрин олган.

Умуман, Абдулҳаким ака қатор янги манбалар ҳамда Ўзбекистонда чиққан маълумотлар асосида Алишер Навоий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Фаробий, Нажмиддин Кубро, Бобораҳим Машраб каби бир қатор буюк алломаларимиз ҳақида Афғонистон нашриётларида қатор мақолалар ва рисоалар ёзганлари маълум.

Ўтган асрнинг 60-йилларидан эътиборан Абдулҳаким Жўзжоний Афғонистонда жиддий ва жадал бўй кўрсата бошлаган тараққиқпарвар кучларнинг олдинги сафидан ўрин ола бошладилар.

Маълумки, Афғонистон гарчи Иккинчи жаҳон урушида қатнашмаган мамлакатлар сирасига кирса-да, бу мамлакатдаги асрий ижтимоий, иқтисодий қолоқлик XX асрнинг 2-ярми бошларида янада чуқурлашди. Мамлакат дунёдаги, тараққиёт даражаси ўта паст ўлкалардан бири бўлиб қолаверди. Аҳолининг аксарият қисмини ташкил этадиган қатламининг ўта ночор иқтисодий аҳволи борган сари таназзулга юз тутта бошлади ва бу қолоқликнинг жиддий сабаблари мамлакатдаги монархия режимининг даҳшатли ижтимоий-сиёсий ҳолати Ўрта асрларга хос бўлган диний идеологиянинг аҳолининг барча қатламлари онгига мустаҳкам ўрнашиб олганлиги, тараққиётга чорловчи хур фикрлиликнинг ҳар қандай кўринишлари қаттиқ бўғиб ташланганлиги ҳамда мустамлакачиликнинг янги кўринишларига асосланган қатор қудратли хорижий мамлакатларнинг Афғонистоннинг моддий ва маънавий бойликларини мамлакатнинг бир ҳовуч кучлари билан бирга

аёвсиз талаши авж олган, таълим, соғлиқни сақлаш тизимларидаги бош-бошдоқликлар, тизимсизлик, коррупциянинг очикдан-очик ҳамма соҳаларни фалаж ҳолига келтириб қуйганлиги каби ҳолатлар эди, албатта. Ана шу вазиятда тараққийпарвар инсонларни хусусан, ёшларнинг жумбушга келишига, адолатдан ном-нишон қолмаган мавжуд тузумни тубдан ислоҳ қилиш, шиддат билан ўзгартиришни кун тартибига олиб чиқишини талаб қилиб чиқаётган турли оқимларни юзага келишини кескин кучайтирди.

Афғонистонда 1964 йилда қабул қилинган, қайсидир жиҳатлари билан (масалан, матбуот ва сўз эркинлиги, парламент тизими, ижтимоий адолат каби) айрим тараққийпарварлик шиорларини ўзида акс эттирган янги Конституция мамлакат тараққиётпарвар кучларини эркинлигига, кескин фаоллашувига йўл очгандай бўлди.

Шаръий Жўзжоний ана шу тараққийпарвар кучларнинг бошини қовуштириш ва ягона жабҳасини ташкил этишга бел боғлаган, таҳликали, реакция авж олган шароитда бутун ҳаётини, билимини, сиёсий қарашларини, мамлакатнинг тубдан сиёсий ислоҳ қилишга бағишлаган инсонларнинг етакчилари сафидан жой оладилар.

1965 йил Афғонистонда илк бор ўз дастурига кўра прогрессив сиёсий ташкилот – “Афғонистон халқ демократик партияси” тузилди. Бу партиянинг биринчи раҳбари, бош қотиби таниқли ёзувчи Нурмуҳаммад Таракий эди. Абдулҳаким ака ана шу сиёсий партиянинг таниқли етакчиларидан, асосчиларидан бири эдилар.

Домла Шаръий Жўзжонийнинг XX асрнинг 60-йилларидан эътиборан олиб борган сиёсий, ижтимоий, маданий фаолиятлари, у кишининг давлат ва жамият арбоби сифатидаги жўшқин, ўз маслагидан, танлаган йўлидан оғишмай кураш олиб борган ҳаётлари алоҳида катта мавзу ҳисобланади ва бу ҳақида алоҳида китоб ёзиш зарур. У кишининг Афғонистондаги барча миллатлар, элатлар, шу жумладан мамлакат аҳолисининг салмоқли қисмини ташкил этадиган ўзбекларнинг эркин, озод, инсонийлик ҳуқуқлари, орзулари, ҳамда иқтисодий аҳволи поймол бўлган барча оддий инсонлар қатламининг манфаатига хизмат қилиш йўлида эришган катта муваффақиятлари қатори

мураккаб, таҳликали, қийин жараёнларни ҳам бошларидан кечиришларига тўғри келди. Аммо қамоқхоналар, халокат даражасидаги оғир, дахшатли воқеалар у кишининг на иродасини букди ва на сиёсий қарашларини, маслақларини ўзгартира олмади.

Абдулҳаким ака сиёсий қудрат пиллапояларидан кўтарилиб борар эканлар, қайси юқори лавозимда бўлмасинлар, аввало, мамлакат ўзбекзабон, туркийзабон аҳолисининг сиёсий, маданий, ижтимоий, таълимий манфаатларини қўлларидан келганча ҳимоя қилиш ва бу йўлда қатъий туриб ҳаракатлар олиб борганликлари маълум. Жумладан, айнан у кишининг саъй-ҳаракатлари билан Афғонистонда ўзбек ва туркман тилларида илк бор “Юлдуз” ва “Тураш” ҳафталик журналлари нашр этилди; маъориф вазирлиги қошида ўзбек-туркман маданий, маърифий бўлимлари фаолият олиб бора бошлади. Мамлакат ўзбекларининг “Зафар” номли ашула ва рақс дастасининг вужудга келиши, Афғонистон радио ва телевидениеси қошида ўзбек-туркман бўлимининг очилиши, умуман шунга ўхшаш қатор ижтимоий-маданий тадбирлар амалга оширилди, илк бор ўзбек ва туркман тилларида ўқитиладиган бошланғич синфлар очилди.

Абдулҳаким аканинг номларини Афғонистонда доимо таниқли ўзбек адаби, моҳир таржимон ва шоир сифатида тилга оладилар.

У кишининг ўз вақтида Афғонистонда “Халқ”, “Парчам” ва бошқа йирик газеталарда шеърлари, адабий-илмий мақолалари чоп этилган. Домланинг ўзбек тилида ёзган лирик ва ижтимоий мазмундаги шеърларининг кўп қисми алоҳида “Яшасин партия”, “Амударё”, “Юрак сирлари”, “Йўл бўлсин турналар” номли тўпламларда ҳам нашр этилган.

Абдулҳаким ака Алишер Навоий ҳақида ёзган “Алишер Навоий буюк гуманист шоир”, “Шарқ ренессанси ва Алишер Навоий”, “Навоийнинг “Хамса” асари абадийдир” каби мақолалари учун Алишер Навоий мукофоти билан тақдирланганлар.

1990 йили мен Кобулда ташкил этилган буюк форс шоири Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сининг минг йиллигига бағишланган халқаро илмий анжуманда иштирок этган эдим. Абдулҳаким ака ўша кезларда кўп йиллик қамоқдан озодликка чиққан кезлари эди. Бу

конференцияда у киши ҳам “Шоҳнома”нинг туркий тилларга таржималари мавзусидаги маърузалари билан иштирок этган эдилар.

1989 йили мамлакат тепасига у кишини йирик сиёсий арбоб сифатида яхши билган ва қўллаган раҳбар – Доктор Нажибулло келган бўлса-да, сиёсий бўҳронлар, ички фуқаролик уруши, диний фанатизмнинг янада авж олганлиги ва яна бир қатор омиллар сабаб Абдулҳаким ака Афғонистондан чиқиб, Ўзбекистонга келишга мажбур бўлдилар ва 1992 йилдан эътиборан Тошкентда истиқомат қила бошладилар.

У киши кўп ўтмай Ўзбекистонда йирик исломшунос, тасаввуфшунос, ҳуқуқшунос олим сифатида танилдилар. 1994 йилда Абдулҳаким акани йирик шариат ҳуқуқлари мутахассиси сифатида Тошкент юридик институтига ишга таклиф қилишди. У киши юридик институтида Ислом ҳуқуқи ва шу доирадаги фанлардан дарс бера бошладилар. 1996 йили профессор Акмал Саидов илмий раҳбарлигида “Афғонистонда шариат тараққиёти” мавзусида номзодлик диссертациясини, 2005 йилда эса ҳуқуқшунослик бўйича юридик фанлари доктори диссертациясини ёқлаб, юксак илмий даражага ва бирин-кетин доцентлик ва профессорлик унвонларига ҳам эга бўлдилар. Шунингдек, домлага илмий – адабий фаолияти ва асарлари учун 2017 йил Ўзбекистон Республикаси “Турон фанлар академияси” томонидан академик унвони берилди.

1999 йилда илк бор Тошкент ислом университети ташкил этилиб, Ўзбекистонда давлат миқёсидаги исломий билимлар, мутахассисликлар бўйича замонавий исломшунос кадрлар етиштиришга киришилди ва айнан завонавий шаклда дунёвий фанлар қатори бу университетда Ислом ҳуқуқи, Ҳанафий мазҳаби, тарихи, фикхий фанлардан дарс берила бошланди.

Абдулҳаким ака айнан шу соҳаларнинг йирик матахассиси сифатида ушбу университетда “Ислом ҳуқуқи” кафедрасининг биринчи мудири лавозимида иш бошладилар ва мана салкам йигирма йилдан буён Ўзбекистондаги ислом ҳуқуқлари фанидан дарс бериш билан бирга кўплаб замонавий фикрлайдиган исломшунос мутахассисларни етиштириш ишига ҳам улкан ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Абдулҳаким аканинг салмоқли илмий ишлари, монографиялари, дарслик ва ўқув қўлланмалари орасида у кишининг “Шарқ ва инсон ҳуқуқлари” (Акмал Саидов билан ҳам муаллифда), “Ислом ҳуқуқшунослиги: Ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фикхлари”, “Шарқ цивилизацияси: инсон ва ҳуқуқ” (А. Саидов билан биргаликда), “Тасаввуф ва инсон” каби асарлари алоҳида ўрин эгаллайди. Шу ўринда менинг илмий изланишларим доирасига яқин турган у кишининг “Тасаввуф ва инсон” монографиялари ҳақида икки оғиз қўшимча қилмоқчиман.

Олимнинг шу номли монографиялари дастлаб 2001 йилда Тошкентда, сўнг шу ном билан 2012 йилда араб алифбосида, бироз кенгайтирилган вариантда, 1000 нусхада Қобулда ҳам чоп этилди. “Тасаввуф ва инсон” китоби гарчи муаллифнинг бир рисоласи, етти йирик мақола ҳамда араб ва форс тилларидан таржима қилинган икки рисола ва хотимани ўз ичига олган тўплам сифатида, бир қарашда бир-биридан фарқли, боғланмаган ишлар мажмуи бўлиб кўринсада, лекин аслида бу рисола ўз номига муносиб тарзда бир-бирини тўлдириб боровчи ягона мазмун ва мавзу атрофида бирлаштирилган яхлит – монографик асар ҳисобланади.

Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний ўз рисоласига тасаввуфда инсоннинг ўрни, мавқеи масаласини асосий мавзу қилиб олиб, бу тўпламга кирган асарларида кўтарилган барча масалаларни ана шу мавзу нуқтаи назаридан очиб беришга ҳаракат қилинган.

Тўпламнинг “Тасаввуф таълимотининг илдизлари ва асосий йўналишлари” деб номланган бошланиш қисми муаллифнинг кўп йиллар давомида араб, форс, ўзбек, турк тилларидаги жуда кўп манбалар ва тасаввуфга оид ёзилган ўнлаб илмий асарларни чуқур ўрганиш жараёнида вужудга келган илмий мулоҳазаларининг изоҳидир.

Тасаввуфнинг энг мураккаб, баҳсли йирик масалалари, жумладан, “ирфон” ва “тасаввуф” тушунчаларининг муштарак ва фарқли томонлари, унинг исломий илдизлари, тасаввуфда “вахдат ул-вужуд ва ваҳдату ш-шухуд” тушунчалари билан боғлиқ қарашлар, муаммолар, ҳал этилмаган баҳсли масалалар ишнинг айна шу қисмидан жой олган. Бу ерда муаллиф қадимги Юнонистон ва Ҳиндистондаги

мистик-оқимлар, уларнинг ислом тасаввуфи билан ўхшашлик томонлари, тасаввуфдаги йирик тариқатлардан Кубравия, Қодирия, Сухравардия, Малавия, Чуштия, Яссавия, Накшбандия, Мужаддия кабилар ҳақида, уларнинг ўзига хос томонлари, элементлари ва умумийликлари ҳақида мухтасар, аммо катта ва чуқур билимдонлик билан мулоҳаза юритади. Умуман тўпламнинг ана шу биринчи рисоласи катта қизиқиш ва мароқ билан ўқилади.

Тўпламнинг “Нажмуддин Кубронинг қарашлари ва асарлари” номли қисми ҳам узоқ изланишлар, кузатишлар, манбаларни синчиклаб ўрганиш асосида дунёга келганидан далолат бериб туради.

Нажмуддин Кубро ҳазратлари, у кишининг ҳаёти ва асарлари ҳақида Республикамизда талайгина мақолалар, рисоалар чоп этилган. Бироқ, Абдулҳаким Шаръийнинг кубравия тариқатининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида бошқа олимларнинг мақола ва китобларида эслатилмаган манба ва асарлар орқали ёритишга ҳаракат қилинади. Олимнинг Нажмуддин Куброга оид изланиш ва мулоҳазаларига шайхнинг “Кўнглим кўзи билан кўрганларим” рисоласининг таржимасини илова қилиниши тадқиқотга алоҳида салмоқ бахш этган.

Домланинг ушбу тўпламдан жой олган Хожа Аҳрор Валийнинг ҳаёт йўли ва таълимотларининг муҳим қирралари, бу зот ҳақидаги маълумотнинг таъсир доираси ҳақидаги мулоҳазалари ҳам қизиқиш билан ўқилади.

Домланинг Махдуми Аъзам Косонийнинг “Бобурия” рисоласи, “Рубоийлар шарҳи” рисоласи ҳақидаги кузатишлари диққатга сазовордир. Хусусан, бу иккинчи рисоланинг таржимаси тасаввуфшунослар учун қимматли материалдир.

Машҳур ўзбек шоири Бобо Раҳим Машрабнинг тасаввуфий қарашлари борасидаги изланишлар ҳам алоҳида эътиборга лойик. Маълумки, шоир Машраб, унинг шеърляти борасида талайгина тадқиқотлар, монографик ишлар мавжуд. Аммо уларнинг аксарияти совет даврида ёзилганлиги учун шоир ижодида, дунёқарашида асосий ўринни тутган тасаввуфий қарашлари хусусиятлари ҳақида диққатга сазовор ишлар жуда камёб, борларида ҳам чалкашликлар кўп. Хусусан, Машрабнинг

“вахдат ул-вужуд” тушунчаси билан боғлиқ қарашлари ҳануз фанда тўлиқ ва рўйи рост очилган эмас. Шу нуқтаи назардан қараганда А.Жўзжонийнинг Машрабнинг “вахдат ул-вужуд” фалсафаси ва унинг марказида турган инсон ҳақидаги фикрлари янгиликдир.

Тўпламни таниқли тасаввуфшунос олим Н.Комиловнинг “Тасаввуф” номли китобига ёзилган катта ва жиддий тақриз якунлайди ва бу тақриз тўплам мавзусига мос келади ҳамда муаллифнинг “Тасаввуф ва инсон” концепцияси борасидаги мулоҳазаларини тўлдиради.

Хулоса қилиб айтганда, профессор Абдулҳаким Шаръий Жўзжонийнинг “Тасаввуф ва инсон” номи билан нашрга тайёрланган китобининг чоп этилиши ўзбек тасаввуфшунослигининг жиддий ютуғи сифатида тан олинди.

Абдулҳаким ака ўзларининг шеърли ижодларининг бир сарҳисоби сифатида илгариги тўпламларда чоп этилган ва ҳали чоп этилмаган бир қатор шеърларини қайта таҳрирлаб, 2023 йил Тошкентда “Адабиёт” нашриётида “Йўл бўлсин, турналар” номли янги тўпламларини ўзбек китобхонларига тухфа этдилар. Тўпламга сўзбоши сифатида йирик адабиётшунос, таниқли таржимон, Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуров тақриз ёзганлар. Тўпламга 37 турли жанр ва мавзудаги лирик, лиро-эпик шеърлар, шу жумладан алоҳида эҳтирос ва рамзий чизмалар билан бойитилган маснавий шаклидаги “Амударё” шеъри ҳам жой олган. Бу шеър Абдулҳаким аканинг ўша ўтган асрнинг 60-йилларида ижтимоий-сиёсий майдонга кириб келаётган илк даврлари билан боғлиқ. Унда Афғонистонга ижтимоий, сиёсий ўзгаришлар шамолининг етиб келаётганига ишора қилинади. Бу рамзий шеърда шоир ва тўлқинланиб турган бебош дарё орасида рамзий суҳбат – савол-жавоб бўлиб ўтади. Афғонистоннинг шиддатли тўфонлари қонли тарихий воқеаларнинг гувоҳи бўлган шоирнинг:

*Сен улугвор тарихчисан, эй дарё!
Ўтмишдан бизга элчисан, эй дарё!..
Сўзла менга эшитган кўрганларингдан,
Ҳаёт жараёнида ўрганганингдан.*

каби сўровларига жавобан “Амударё” тўлқинланиб тилга қиради:

*Лекин бу ватан ҳалқи қаҳрамон халқ,
Ёвларга ёв, дўстларга меҳрибон халқ.
Қурашдан тўхтаган эмас ҳеч қачон,
Қурашдан тўхтамас бордир то жаҳон.
Ҳар кун зафар томон қадам ташлайди,
Янги ҳаёт учун кураш бошлайди!..*

*Шуни ҳам қайд этиш керакки, Домла
Жўзжонийнинг 3 асари (“Ислом ҳуқуқи,
Ҳанафий мазҳаби ва Туркистон фақиҳлари”,
“Тасаввуф ва инсон”, “Юрак сирлари”
шеърӣ тўплами) 2022 йил, слоҳиятли олимлар
орқали туркчага ўғирилиб, Туркиянинг Қўния
шаҳридаги Палет нашриёти томонидан чоп
этилган.*

Абдулҳаким ака, бугун ўзларининг муборак
90 ёшларини илмий-ижодий фикрларга тўла
режалари билан кутиб олмақдалар.

Домла, сиз, дарҳақиқат, жуда сермазмун
ҳаёт йўлини босиб ўтмоқдасиз. Сизга ва
Сизнинг ҳаётингизнинг барча чорраҳаларида
Сиз билан ёнма-ён турган муҳтарама Ҳамидахон
Жузжоний опамизга узок умр, мустаҳкам сиҳат-
саломатлик тилаб қоламиз.

Тошкент, 2024 йил

